

Аллоҳ кўриб турибди



08:00 / 17.05.2020 2526

Мансур айтади: «Бир киши Абу Язид Бистомийнинг олдига келиб, «Менга насиҳат қилинг», деди. У: «Осмонга қара!» деди. У осмонга қараган эди, «Бу осмонни ким яратганини биласанми?» деди. У: «Аллоҳ», деди. Абу Язид: «Уларни яратган Зот қаерда бўлсанг ҳам сендан бохабардир. Шундай экан, У Зот(нинг ғазаби)дан огоҳ бўл!» деди.

Исмоил ибн Убайддан ривоят қилинади: «Абу Туроб дўстларидан ўзи ёқтирмайдиган сўзларни эшитса, жидду жаҳди янада зиёда бўлиб, тавба қилар ва шундай дерди: «Ёмонлигим туфайли улар менга хоҳлаган гапини гапиришга ботина олишяпти, чунки Аллоҳ таоло: **«Бир қавм ўзларидаги нарсани (неъматларга нисбатан муносабатни) ўзгартирмагунича Аллоҳ улардаги нарсани (ҳолатни яхши ҳолатга) ўзгартирмас»**, деган». (Раъд сураси,11-оят).

«Солиҳлар гулшани» китобидан